

Илмий методика бўлими томонидан тайёрланди

Тузувчи
Муҳаррир

Г.Аҳмедова
Шукур Курбон

ФАСОҲАТДА НОДИР АЛЛОМА

*Муҳаммадризо Огаҳий таваллудининг 200 йиллиги
муносабати билан*

Методик-библиографик қўлланма

Фасоҳатда нодир аллома: Муҳаммадризо Огаҳий таваллудининг 200 йиллиги муносабати билан: Метод. - библиогр. қўлл./Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси; Тузувчи Г. Аҳмедова; Муҳаррир Шукур Курбон. — Т.: Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси нашриёти, 2009. — 32 б.

КБК 78.342+83.3 (5Ў)

Мазкур қўлланмада шоир, тарихчи, таниқли давлат ва жамоат арбоби Муҳаммадризо Огаҳий ҳаёти ва ижоди ҳақида қисқача маълумот берилган.

Қўлланмадан кутубхоналар, АКМ ва АРМ мутахассислари Огаҳийнинг орзу-умиди, сиёсий-маънавий фаолияти билан таништириши мақсадида уюштириладиган оммавий тадбирларни тайёрлашда фойдаланишлари мумкин.

Қўлланмадан кенг китобхонлар оммаси фойдаланишлари мумкин.

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти
Тошкент — 2009

© Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009 йил

Мукаддима

Ҳалқимизнинг миллий маданияти, маънавияти ва маърифати тараққиётига улкан ҳисса қўшган атоқли шоир, моҳир таржимон, тарихнавис олим, давлат ва жамоат арбоби Муҳаммадризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий XIX асрда Хоразмда яшаб ижод этган. У жуда кўп ғазаллари, қасидалари, мухам-мас ва мусаддасларида эл тинчлиги, ободлиги ва фаровонлиги шоҳларнинг ақл-заковати, ҳимматига боғлиқ, деб қаради, аркони давлатни, шоҳни доимо яхшиликка, эзгуликка даъват этиб, жаҳолат ва мазаллат ботқоғига ботишдан огоҳ этиб турди.

Огаҳий ҳаётбахш ғоя ва жонфизо мазмун ўз ижодининг пойдевори эканлигини такрор ва такрор айтади. Шу боис, унинг шеъриятида маъно ва мазмун устувор. Шоир каломи унинг иқтидори бекиёслигини, илғор дунёқараш соҳиби эканлигини намоён этади.

Огаҳий ижодининг мундарижасини ўн саккиз минг олам гўзалликлари тараннуми, шу олам бағрида яшаётган инсонларнинг шод ва озод тақдири, ота макон тинчлигини куйлашдек юксак маънавий ғоялар ташкил этади.

Огаҳий асарларида ушбу бепоеён оламда инсоннинг тутган ўрни, унинг зиммасига Оллоҳ томонидан юкланган бурч, вазифа, уни адо этиш жараёнидаги аччиқ қисмат ҳақида фикр юритилади.

Огаҳий тинимсиз ижодий меҳнат қилиб, ўз замонасида истеъдотли шоир, уста таржимон, йирик муаррих олим сифатида шуҳрат қозонди. Сўз мулкининг саркардалари-дан бўлган Огаҳий ғазаллари Хоразм мақомлари шўъбаларига ҳам кўчиб, мустақил Ватанимиз осмонида баралла янграйверади.

Огаҳийнинг ҳаёти ва фаолияти

Огаҳий XIX аср ўзбек адабиётининг йирик намояндаси ва ўша даврда Хоразмда вужудга келган адабий ҳаракатнинг илғор вакилидир. У забардаст олим, талантли шоир, етук тарихчи, моҳир таржимон сифатида адабиётимиз тарихида алоҳида ўрин тутди.

Огаҳий 1809 йили Хоразмнинг Хива шаҳри яқинидаги Киёт қишлоғида туғилди. У тоғаси, улуғ шоир Шермуҳаммад Мунис қўлида ўсди ва таълим олди. Бошланғич таҳсилдан сўнг мадрасада ўқиди, Навоий, Ғузулий, Бедил каби Шарқ халқ-лари классикларининг асарларини муҳаббат билан ўрганди.

Муҳаммадризо отаси Эрнийезбек вафотидан сўнг оила бошлиғи бўлиб қолди. Шу туфайли у дастлаб деҳқончилик билан шуғулланди, сўнг ҳарбий хизматда бўлди. Хонликда мироблик вазифасини адо этиб келаётган шоир Мунис 1829 йилда вафот этгач, унинг ўрнига Огаҳий мироб этиб тайинланди. Бу жуда масъулиятли лавозим бўлиб, суғоришга асосланган ва ўлка деҳқончилигида катта аҳамиятга эга эди. Огаҳий ана шундай хизмат билан банд бўлган ҳолда, илмий-ижодий ишини давом эттирди.

У шеърят ва бадий таржима соҳасидаги ажойиб асар-лари билан бир қаторда, Ўрта Осиё халқлари тарихига доир маҳорат билан ёзилган китоблар муаллифи ҳамдир. У XIX асрнинг биринчи ярмидан бошлаб вафотига қадар (1874 йил-гача) бешта мукамал тарихий асар яратди. Жумладан, Оллоқулихон ҳукмронлик қилган давр (1825–1843) воқеаларига бағишлаб «Риёзуддавла», Раҳимқулихон подшолигининг дастлабки йилларида (1843–1846) «Зубдатут таворих», Муҳаммадаминхон замонаси «Жомеулвоқеоти султоний», Саййид Муҳаммадхон ҳукмронлик қилган давр (1856–1865) тавси-фида «Гулшани давлат», ниҳоят, Муҳаммад Раҳимхон соний тахтга ўтирган (1865-1910) даврда «Шоҳиди иқбол» каби тарихий асарларини яратди. Мазкур асарларда Хива хонлиги ҳудудида яшаган ўзбек, туркман, қорақалпоқ, қозоқ халқларининг маданий ва ижтимоий ҳаётини, Хива хонлигининг Бухоро, Қўқон хонлик лари, Эрон, Ҳиндистон, Афғонистон билан бўлган муносабатлари Россия билан бўлган савдо алоқалари кенг миқёсда ёритиб берилган. Машҳур шарқшунос В.В.Бартольд XIX аср ўзбек тарихчиларининг асарларига катта баҳо бериб ёзади: «Мунис ва Огаҳий томонидан яратилган адабий ва тарихий асарларда айрим камчиликлар бўлишига қарамай, тарихий воқеаларни баён этиши ва уларда келтирилган фактик материалларнинг кўплиги жиҳатидан Қўқон ва Бухоро хонликлари тарихига доир бизгача етиб келган ҳамма асарларни ўзидан анча орқада қолдиради».

В.В.Бартольднинг бу фикрига кўра, Огаҳийнинг беш тарихий асари—Шермухаммад Мунис тамомлай олмай қолдириб кетган «Фирдавсуликбол» (Огаҳий бу асарни давом этти-риб, 1840 йили поёнига етказди) ўзбек, туркман, козоқ ва қорақалпоқ халқларининг тарихини ўрганишда катта аҳами-ятга эгадир. Ўрта Осиё республикаларининг тарихчилари ўз халқларининг XIX аср тарихини яратган вақтларда, албатта, Мунис, Огаҳий ва Бағнийларнинг тарихий асарларига муносабат қиладилар ва манба сифатида улардан фойдаланадилар.

Огаҳий тарихий ҳодисаларни ҳаққоний тасвирлайди. Ма-салан, қорақалпоқ халқининг кўзғолони ҳақидаги асарини яқунлар экан дейди: «... даврони инқилобнишон ичида кўп воқе бўлмушдурурким, оз душман иттифокидан офати са-ҳим ва кичик ғаним ижмоидин меҳнати азим пайдо бўлуб, набард арсаида фарзиндек кажхиромлик билан от суруб, улуғ шоҳларни пиёдалиғ мартабасига тушуриб мотлиғ сарҳа-диға еткурубдурурлар».

Огаҳий халқ кўзғолонларининг моҳиятини улуғ муаррих сифатида китобхон кўзи олдида яққол гавдалантириб беради:

*Агар жамъ ўлса учкун бир маконга, Бўлур
албатта оташгоҳ пайдо. Ва гар ҳар
саридин йиғнолса қатра, Бўлур тадриж
ила тўфон ҳувайдо.*

Огаҳий халқ кўзғолонларининг учқунидан оташгоҳ, қатрасидан тўфон пайдо бўлишин яхши англай олган эди.

Гарчи тарихчи Огаҳий халқ кўзғолонларига ҳоким синф нуқтаи назардан қараб баён қилса ҳам, кўзғолоннинг сабабларини тўғри ёритади. Масалан, 1249 (1827—1828) йилда Ойдўстбий бошчилигидаги кўзғолоннинг асосий сабабини халқдан йиғиладиган солиқнинг оғирлигидан деб кўрсатади.

Туркманлардан Сорик қабиласининг Соатқули сардорга қарши олиб борган 1243 (1827—1828) йилдаги кўзғолони яна ҳам характерлидир. Кўзғолончилар Соатқули сардорни ва уруғ-аймоқларини ўлдирадилар, кўзғолон хон қўшини томонидан бостирилади. Бу кўзғолоннинг сабабларини Огаҳий кўзғолончилар тилидан баён қилади: «... Соатқули сардор қатли учун қилғон шанёъ журъатимизга сабаб улдурум, ул дойим... бизларнинг қалъ ва тадвиримизга роғиб ва ақобирларимизнинг халъ ва таҳдирига толиб эрди ва яна баъзи намашруъ ишларга қиём ва зулми сарих муборатиға иқдом кўргузур эди...».

Бу фикрлар Огаҳийнинг аркони давлат ҳаракатиға бўлган муносабатини ҳам кўрсатади.

Маълумки, XIX асрдан бошлаб Ўрта Осиё хонликлари, шу жумладан, Хива хонлиги билан Россиянинг иқтисодий ва сиёсий алоқалари бир мунча яхшиланади ва маълум тартибга тушади. Бундан фойдаланган Россия Ўрта Осиё хонликларининг иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий вазиятини син-чиклаб ўрганишга қаттиқ киришади. Жумладан, А.И.Бутаков бошчилигидаги экспедиция икки йил (1848—1849) давомида Орол денгизини ўрганади ва унинг харитасини тузади.

Хива хонлари Россия элчиларини самимият билан қабул қила бошладилар. Икки давлат ўртасида тинч-тотув яшаш, савдо ва иқтисодий муносабатларни яхшилаш ҳақида шартномалар тузилади. Айни замонда XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб рус қўшинлари Ўрта Осиёга кириб кела бошлайди, Сирдарё атрофига истеҳкомлар қуради, Орол денгизида пароходлар юргизади, бирин-кетин хонликларнинг шаҳарларини қўлга киритади.

Огаҳий ўзининг тарихий асарларида Хива хонлигидаги халқ кўзғолонларини ёритиб бериш билан бирга мамлакатдаги ўзаро урушларни ва бу урушлар оқибатини ҳам кенг миқёсда баён қилади.

Марв вилоятини ўз қўлига ўтказиб олиш учун амир Насрулло Марвнинг ҳокимларига ўзининг элчиларини юборади. Шу муносабат билан амир Насрулло Хива хони Раҳимқулига қарши уруш бошлайди. Урушлар тафсилотини Огаҳий «Зубдатут-таворих»да баён қилади. Бу уруш натижасида амир Насрулло қўшинлари Ҳазорасп мавзеини эгаллайдилар; кўплаб кишиларни асир оладилар. Аммо Бухоро амири Насрулло енгиледи.

Огаҳий тарихий асарларида ўзаро урушларнинг халқ бошига олиб келган мусибат ва фожеаларини очиқ-равшан баён қилиб, бу урушлар натижасида шаҳарлар (қалъалар)нинг вайрон бўлишини, халқнинг, болаларнинг қирилишини зўр қайғу билан тасвирлайди.

Шуни ҳам қайд қилиб ўтиш керакки, амир Насруллонинг Хива хонлигига қарши уруш бошлаши муносабати билан амирнинг ғайриинсоний қилиқларини фош қилиш мақсадида, Огаҳий унинг Кўқон хонлигига қилган ваҳшиёна ҳужумини ҳам таъкидлаб ўтади.

Шунингдек, Хива хонлигининг Россия билан бўлган муносабатларини Огаҳий кенг ёритади. Тарихий маълумотлар-га қараганда, 1840 (1256 ҳижрий) йилда Перовский алоҳида 4000 кишилиқ ҳарбий қўшин ва 12 тўпдан иборат бир экспедиция уюштилади. Бу экспедиция Уст Юрт орқали Хива хонлигига боришни мўлжаллаган эди. Аммо қиш фасли бўлгани учун, қўшин орасида анча талафот юз беради. Хусусан, Чўчка-қўлга келганда, юк ҳайвонларидан 5000 таси ўлади, йўл қалин қор билан қоплангани сабабли юришга имкон бўлмайди.

Оллоқулихон Россиянинг бу экспедициясига қарши ўз қўшинини

юборади. Аммо хоннинг вакиллари рус қўшинла-рини учрата олмайдилар. Огаҳий «Риёзуд-давла» тарихий асарида бу воқеага батафсил тўхтаб ўтади. Шу муносабат билан у мазкур икки ҳукумат орасидаги сиёсий алоқанинг кескин-лашиб боришини ҳам изоҳлаб беради.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб чор Россияси Ўрта Осиё хонликларини бирин-кетин ўзига қарам қилиб олади. Бу ҳаракатни Огаҳий ўзининг «Шоҳиди иқбол» асарида баён қилади. Аммо Огаҳий чор Россиясининг Ўрта Осиёга кириб келишини охирига қадар ҳикоя қилолмайди, чунки у ўз асарини тугата олмай, 1874 йилда вафот этади.

Чор Россияси XIX асрнинг охирида Ўрта Осиё хонликларини ўзига тобе қилди, бу ўлкани мустамлакага айлантирди.

Огаҳий тарихий асарларида Хива хонлигининг баъзи бир маданий, ижтимоий турмуш масалаларини жумладан, суғориш, ободончилик, қурилиш ишларини ҳам ёритади.

Қадимда вайрон бўлган сув йўллари Хоразм халқининг диққат марказидан четда қолмади. Мироб Муҳаммадризо Огаҳийнинг раҳбарлигида (чунки профессор Яҳё Ғуломовнинг айтишича, Шермуҳаммад Мунис ва Огаҳийлар саводли мироблардан бўлиб, ҳар бир канал ва сув чиқариш иншоотини аниқ лойиҳалар асосида қурдирганлар) Чингизхон томонидан вайрон қилинган кўҳна Урганж сув йўли-канални қайта тикланди ва янги каналлар очилади.

Бундай сув иншоотларини очишни Огаҳий фақат «Риёзуд-давла» асаридагина эмас, «Фирдавсул-иқбол», «Гулшани давлат», «Шоҳиди иқбол» каби асарларида ҳам баён қилади.

Огаҳий баён қилган энг муҳим қурилишларидан бири 1258 ҳижрий (1842—1843 милодий) йилида қад кўтарган Хива шаҳри атрофини ўраб олган унинг деворидир. Бу девор катта кучни талаб қилади, хоннинг фармони ва мутасаддийлар-нинг зулми билан халқ бу улуг деворни вужудга келтириш учун бор кучини сарф қилади. Йиллаб чекиладиган меҳнат эвазига битадиган бу девор ҳашар қилиб бир ойда қурилади.

Муҳаммадризо Огаҳий бу ҳақда «Риёзуд-давла» асарида батафсил маълумот беради:

Огаҳий тарихий жойлар ҳақида ҳам ёзади. Шундай тари-хий жойлардан бири буюк мутафаккир Алишер Навоий қурдирган саройдир. Бу сарой ҳақида Огаҳий шундай дейди: «Қоратупадин кўчуруб, мурожаат жодсиға атфи инон қилди ва ҳамул кун лой қасрати ва йўл оғирлиқ жиҳатидин озроқ масофат қатъ этиб, Мирсаройи отлиғ мавзеъниким, султон Ҳусайнмирзонинг айёми салтанатида Мир Алишер Астробод мамоликиннинг ҳокими эрконида

ул манзилда бир сарой дилкушо барпо қилдурғон эркан, ул ҳазрат ҳамул ерга ворид бўлуб, лашкаргоҳ этди...»

Хива хонлиги ҳудудида турли халқлар, қабилалар яшаганлар. Масалан, туркманлардан човдар, ёвмут, така, ебро-ли, кўклон, қародошлу, солур, соруқ, жамшиди, али эли, ўтамиш тўқламиш; ўзбеклардан манғит, ўзбек, сарт, қипчоқ, кўнгирот, қиёт, найман, оймоқ, кангли, чигатой, хитой, кенагас, юз; уйшун каби қабил ва этник гуруҳлар, қорақалпоқ, қозоқ халқлари ҳам шу хилда қабилаларга бўлинади. Огаҳий бу халқларнинг урф-одатларини, ҳаётларини ёритиб беради. Аммо бу халқларнинг урф-одатларида маълум даражада муштаракликлар бор. Хива хонлигида тўй, улоқ, дор, купаш каби халқнинг урф-одатларида мазкур хонлик қўл остидаги ҳамма иштирок этади.

Биз Огаҳийнинг ҳаёти ва ижоди бўлимида унинг тарихий асарларига эътибор қаратдик. Шоир сифатида Огаҳийнинг асарлари, таржимонлик фаолияти ҳақида Нурбой Абдулҳакимнинг илмий мақоласи орқали маълумотлар беришга ҳаракат қилдик.

Огаҳийнинг огоҳлик сири

Нурбой Абдулҳаким

Ҳазрат Навоийдан кейин ўзбек классик адабиётида «энг кўп ва энг ҳўб» ёзган мумтоз шоир, одил тарихнавис, маҳоратли мутаржим Муҳаммадризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий таваллудига 200 йил тўлади. Юз эллик йилдан зиёдроқ вақт бўлибдики, бу улуг мутафаккир мероси адабиётшунос, таржимашунос ва тарихшунослар эътиборида. Бироқ огаҳийшунослик олдида ечимини кутаётган долзарб муаммолар бисёр. Тўғри, шоир тўғрисида диққатга сазовор тадқиқотлар яратилгани, шубҳасиз: Устоз Субутлой Долимов шоир ҳаёти ва ижодий мероси юзасидан номзодлик диссертацияси ёклади, профессор Ғулом Каримов билан биргаликда мутафаккир асарларининг олти жилдлигини нашр эттирди. Устоз Нажмиддин Комилов, Ваҳоб Раҳмонов сингари таржимашунос олим-лар Огаҳийнинг мутаржимлик маҳорати сирларига оид тадқиқотларни амалга оширди. Фатҳулла Ғанихўжаев Огаҳий шеърлар девони — «Таъвиз ул-ошиқин»нинг илмий-танқидий матнини юзага келтирди. Шоир маснавийлари, мусам-матлари, лирикаси бўйича тадқиқотлар яратилди. Заҳматкаш олим Кувомиддин Муниров ижодкорнинг тарихнавислиги юзасидан бир неча китоблар эълон қилди. «Гулшани давлат» адабий манба сифатида ўрганилди. Булар камми, яна қандай ечимини кутаётган

долзарб муаммо бор экан, деган савол туғилиши мумкин. Бироқ... Бироқ ана шундай улкан ижодкорнинг бирорта ҳам асари жорий имлода тўлиқ ва мукамал тарзда нашр этилмаганига нима дейсиз! Тарихий (аслида бадиий-тарихий) асарлари уларнинг асл моҳияти ҳақида тасаввур бера олмайдиган даражада қисқартириб чоп этилган. «Зубдат ут-таворих» аслида 220 саҳифа, олти жилдликда эса, бор йўғи, 22 бетдан иборат (ўн баравар қисқарган). «Ри-ёзуддавла», «Жомий ул-воқеоти султоний», «Гулшани дав-лат» ҳақида ҳам шундай фикрни айтиш мумкин. «Шоҳид ул-икбол»нинг дунёдаги ягона қўлёзмаси Россия Фанлар ака-демиясининг Санкт-Петербург филиалида сақланади. Асар эндигона ўрганила бошлади. Манбашунос Нафас Шодмонов «Шоҳид ул-икбол» матнини илмий изоҳлар билан нашрга тайёрлади, шу мавзуда докторлик диссертациясини яқунлади. Мунис тарафидан бошланиб, Огаҳий давом эттирган «Фирдавс ул-икбол»нинг инглиз тилида икки жилдлиги чоп қилинди. Таассуфки, Огаҳий ватандошларининг бу асар ҳақидаги тасаввури хануз чалалигича қолмоқда.

Огаҳийнинг таржимонлик фаолияти бадиий таржима санъати тарихида алоҳида саҳифани ташкил этади. Низомий Ганжавий, Саъдий Шерозий, Абдурахмон Жомий сингари Озарбайжон ва форс адабиётининг йирик намояндалари мероси-дан қилган таржималари ҳақида эътиборли тадқиқотлар амалга оширилган бўлса ҳам, мавжуд нашрларда бу асарлар матни мукамал берилмаган. Уларнинг шўро мафкурасига зид деб ҳисобланган ҳамд, муножот ва наът қисмлари, ҳукмдорлар тавсифига бағишланган саҳифалари тушириб қолдирилган. Ўнлаб таржима асарлари эса қўлёзмалар қатида (санокли мутахассислар ўрганганини истисно қилганда) номаълумлигича қолиб келмоқда.

Кўриниб турибдики, навқирон огаҳийшуносларга эҳтиёж катта. Маданий меросга муҳаббатли, эски имлони биладиган, бадиий асарни идрок эта оладиган ёш тадқиқотчилар керак. Одамлар онгу шуурини бозор ташвишлари эгаллаган, ҳамма нарсанинг моддий қиймати бор деган тасаввур оммалашаётган бир замонда қўлёзма чангини ютишдан қўрқмайдиган, меҳнат ва заҳматдан ҳаловат топадиган фидойиларни топиш, афсуски, мушкул бўлиб қолмоқда. Хуллас, муаммо кўп. Уларнинг ечимини топишга эса ҳар қандай ҳолда масъулмиз.

Қуйида Огаҳий шеърятининг эътибордан четда қолиб келаётган айрим жиҳатлари ҳақидаги кузатишларни баён этишга журъат қилдик.

Ҳар нафасда икки неъмат бор

Инсон ким? Унинг жамиятдаги ўрни, мақоми қандай бўлмоғи керак? Беш кунлик умрни қай бир амалларга ба-ғишламоқ зарур? Шарқ шоиру адиблари ана шу сингари азалий ва абадий саволларга жавоб излаганлар. Фикр эгаси бор-ки, ўйлантирадиган бу каби саволларга ҳар бир ижодкор тутилмаган образлар, оҳорли ташбеҳлар воситасида ўзига хос жавоб бера олган. «Ҳар нафаским, оғиздин ташқари чиқар — ҳаёти Муҳаммадий ва қайтиб ичкари кирар — зоти муфарра-ҳийдур. Бас, ҳар нафасда икки неъмат вужудга келур ва ҳар неъматга муносиб шукр вожиб бўлур». Шайх Саъдий «Гулистон»ининг дастлабки мисраларини Муҳаммадризо Огаҳий ана шу тарзда ўзбекчалаштиради.

Модомики, ҳар бир нафас учун шукрона вожиб экан, Тан-гри таоло ато этган истеъдод, қобилиятнинг шукрини бажо келтириш ҳам фарз, ҳам қарз эканига шубҳа йўқ. Шунинг учун ҳам тенгсиз салоҳият соҳиблари — шоирлар ҳар бир асарни Худога ҳамду муножотлар, пайғамбарлар султонига наътлар билан бошлаган. Ҳамдлар — Яратганнинг мадҳи, мақтови. Унинг тенгсиз қудратига айтилган сано — ибтидо ва интиҳодан, яралмишларга хос бўлган хусусиятлардан пок экани таърифи. Инсонни дунёнинг моҳиятини англашга даъват этувчи, теран мазмунни гўзал бадиий шаклда ифодала-ган бетакрор фикрлар мажмуи. Ҳайратланарлиси шундаки, ҳамдлар мумтоз шоирларимизнинг деярли барчасида мавжуд. Лекин бири иккинчисини такрорламайди. Ҳар бири ижодкор инсон тафаккури ва истеъдодининг чексиз имко-ниятларини кўз-кўз қилади гўё.

Муножот — Яратганнинг тенгсиз қудратига иймон келтириш, асл моҳиятни англаган комил инсоннинг бошқа ҳеч кимнинг ҳузурида айтмайдиган иқрономаси, оламларнинг тарбиячисига илтижоси, ўтинчи. Шайх Аҳмад ибн Худой-дод Тарозий таъбири билан айтганда, муножот — «Тенгри ҳазратинда? тазарруъ қилмоқ», яъни покланмоқдир. Огоҳ аждодларимизнинг муножотлари бизни-да огоҳликка, ўз ҳолимиз ҳақида тафаккурга ундайди.

Наът — пайғамбарлар султони, Одам алайҳиссалом фарзандларининг афзали Муҳаммад алайҳиссаломнинг таърифи.

Унга уммат бўлиш шарафининг тавсифи. Наътлар ўқувчини комилликка даъват қилади. Ўзлик манзилига йўллайди.

Афсуски, барча мумтоз шоирларимиз қатори Огаҳий томонидан битилган ҳамдлар, муножот ва наътлар замон тақозоси билан ўрганилмай келди. Асарларнинг нашрларидан тушириб қолдирилди, илмий жиҳатдан тадқиқ этилмади.

Шоир «Таъвиз ул-ошикин» дебодасини қуйидаги ҳамд билан

бошлайди: «Ададсиз ҳамду сано махозинининг жавоҳири ва ҳадсиз шукру вафо маодинининг завоҳири ул Ҳакими алал-итлоқнинг олий даргоҳига нисор ва ул донои анфус ва офоқнинг рафиъ остониға сазовордурким, бани Одам вужуди девонига ақлу фаросат дебочаси била оройиш ва тақаллум ва диросат туғроси билан намоиш бериб, жами махлуқот вужуди кутуби-дин мунтахаб ва мумтоз қилди. Ва алар орасида баъзисининг тилин фасоҳат ва балоғат бобида нодир ва сўз риштасига маоний жавоҳирин назм этарга қодир қилиб, маъни аҳли аросида қуёш ёнглиғ равшан ва сарафроз этди. Токим, алар ҳумоюн таъ-лари махзанидин гуногун мазмунлар жавоҳирин назм риштасига тердилар ва фазлу фатонат чоруси дўконлариға ҳамул ранго-ранг ажнос таъ-бияси била зеб ва оройиш бердилар».

Мазкур ҳамда Одам фарзандларига ато этилган неъмат-лар икки турли экани зикр қилинган. Биринчиси, ақлу фаросат, нутқ ва таълим-тарбия бўлиб, оммага берилган неъмат. Иккинчиси эса, хос неъмат бўлиб, «алар орасида баъзиларига» ато этилган. Улар «тиллари фасоҳат ва балоғат бобида нодир ва сўз риштасига маоний жавоҳирин назм этарга қодир» шоирлардир. Улар бу улуғ неъматнинг шукронасини адо этиш-лари учун «ҳумоюн таъ-лари махзанидин гуногун мазмунлар жавоҳирин назм риштасига термоқлари ва фазлу фатонат чоруси дўконларини беэмомқари» лозим. Яъни, ҳазрат Огаҳий шоирнинг вазифаси, ижодкор масъулияти нимадан иборатлигини таъкидламоқда.

«Таъвиз ул-ошиқин» дебочасида шоир маснавий йўлида ёзилган қуйидаги ҳамдни келтиради:

*Худойеки, чун берди одамга жон, Тилини
тақаллумга қилди равон Фасоҳатда олий
қилиб шавкатин, Ошурди фалақдин сўзи
рифъатин...*

*Тилин сўзда муъжизнишон айлабон, Сўзи қадрин
элга аён айлабон. Бўлуб назмидин шавқ ўти аён,
Ёқиб ишқ элин ул сифатким — самон.*

Ушбу маснавийда таъкидланишича, Тангри таоло Одам фарзандлари ўз кўнгил хазиналаридаги сўз жавоҳири билан унинг ҳамди ва шукрини қилмоғи учун уларнинг «тилини тақаллумга равон, шавкатини фасоҳатда олий» этди. Шоир-ларга эса кўнгул хазинасидан жавоҳир сочмоқ, маъно дурларини ошкор айлаб, «назмидин шавқ ўтини аён этмоқ», кўнгилларда ишқ оловини ёкмоқ вазифасини юклади. Де-мақ, Огаҳий фикрича, шеъриятнинг, адабиётнинг бош мақсади — ишқи ҳақиқийни барқарор этиш. Сўз аҳли шундагина

зиммасидаги масъулиятни адо этган бўлади.

Огаҳий «Зубдат ут-таворих» асарининг муқаддимасида бундай ёзади:

*Подшоҳеким, топа олмас азал
бирла абад, Юз
уруб ҳар бири бир сори онинг
мулкида ҳад. Ҳар
гадо ҳам эрса олам ичра
султонлиқ топар, Ҳар
кимгаким, онинг алтофидин
етса мадад. Вар
малак эрса ҳам ул малъуни
жовид ўлғуси,
Кимсаниким, қаҳр айлаб дарғаҳидин
қилса рад.*

Ушбу ҳамда Оллоҳ таолонинг шундай бир сифати қаламга олинмоқдаки, унинг мулкида ҳеч қандай чегара йўқ. Ҳатто-ки, азал бирла абад ҳам бу мулкнинг поёнига етолмайди. Аввал ҳам Унинг ўзи, охир ҳам. Унинг лутфидан мадад етса, гадо ҳам султонлик топади. Агар У даргоҳидан қувса, фаришта ҳам малъуни жовид бўлади, яъни абадий лаънатга маҳкум этилади. Айни ўринда шоир Иблиснинг қисматиға ишора қилмоқда. Бу фикрлар мутолаасида ҳар бир тафаккур соҳиби учун ибрат дарси бордир.

Огаҳий наътлари ҳам қалбларга маърифат нурларини ула-шади. «Таъвиз ул-ошиқин» дебочасидаги наът ҳам ушбу фикр-ни қувватлайди. Наът аввалида шоир Расулulloҳдан с.а.в. ҳам фасоҳатлироқ сўзлайдиган киши бўлмаганини, «сўзи(-нинг) шарбати жондан ҳам амлаҳ (ширинроқ — Н.А.)» эканини алоҳида таъкидлайди. Шеърда айтилишича, Пайғамбаримизнинг фазл аҳлиға қилган эҳсони шу қадар кўпки, ундан барча баҳраманд. Бу эҳсон шарофатидан уларда эҳти-ёж (тирикчилик) ғами йўқ. Шунинг учун ижодкор Оллоҳ таолога мана бу тарзда илтижо қилади:

*Илоҳо, ҳамул шаҳи огоҳнинг,
Малакочовушу ари даргоҳнинг... Мақомин
ҳузурингда айлаб рафиъ, Бори аҳли исёнга
қилгил шафиъ. Улусга неча қўб эса
шумлиғ, Онинг лутфидин берма
маҳрумлиғ. Хусусан, мени — мужриму
зорни, Сияҳрўйу, осийу бадкорни.
Шафоатидин айлама ноумид, Юзим рўзи*

машҳар аро қил сафид.

Пайғамбар алайҳиссаломни фасоҳат билан мадҳ этган шоир ўзини «мужриму (гуноҳкор — Н.А.) зор, сияхрўйу, осийу бадкор» деб атайди ва Тангри таолодан Расули акрам шафоатидан ноумид қилмасликни, рўзи маҳшарда юзини ёруғ қилишини сўраб илтижо этади.

Аждодларимиз иймон-эътиқодни ҳар нарсадан устун билган. Илму маърифат шарофати боис кибру ҳаводан йироқ бўлган. Камолотнинг ҳар бир мақомига кўтарилганларида аввалги даражадаги қусурлар учун ўзларини гуноҳкор санаган. Шоирнинг ўзини «мужриму зор, сияхрўйу осийу бадкор» деб аташи сабабини шундай тушунмоқ керак. Қолавер-са, ҳақиқат аҳли ҳеч қачон «Мен камолот тимсолиман, гуноҳлардан покман», демайди. «Мужриму зорман, сиёхрўй-ман, осийу бадкорман», дея ўз-ўзини маломат қилади. Шу тариқа нафс кутқусини енгади, покланади.

Умуман, Огаҳий ҳамдлари, муножотлари ва наътлари — мутолаа қилувчига тугилган кўзгу. Ҳар бир тафаккур эгаси бу кўзгуда ўз аксини кўрмоғи мумкин.

Огоҳлик асрори

«Шеър бир неъматини узамоқдурим, — деб ёзади Огаҳий, — Тангри таоло они ҳар кишига ато қилмаишдур ва они айтмоқ хунари ҳар кимнинг қўлидин келмаишдур. Шеър шоирнинг иззат ва давлат неъматини ҳосил қилмоғига сабаб, балки, икки дунё манзилати саодатиға восил бўлмоғига боисдур».

Шоирнинг ўзи, шубҳасиз, ана шу бахтга мушарраф бўлган саодат соҳибидир. Унинг шеърлари шарқ ғазалиётининг асосий мавзуи бўлган Ҳақ ишқи билан сугорилган:

*Ушиоқ тани жони эрур бодаи васлинг, Лутф айлаю
жон еткур ўлук жисмима, жоно. Чун Огаҳий кул бўлди
ёна ишиқинг ўтига, Ёндурма тамуғ ўтига, ё раб, они ёно.*

Ҳақиқий ошиқ ишқ домига бандликни чин озодлик дея эътиқод қилади. Чунки ишққа асир бўлмаган кўнгилни нафсу ҳаво забт этади. Бундай кўнгил нафс қулига айланади. Нафс уни гуноҳ сари етаклайди. Гуноҳ эса кўнгилни қорайтиради. Муборак ҳадисда зикр этилишича: «Ҳар кимки, бир гуноҳ иш қилса, унинг қалбида бир қора доғ пайдо бўлади. Агар астойдил тавба қилса, доғ кетади. Тавба қилмасдан гуноҳ-ларда давом этаверадиган бўлса, доғлар сони кўпайиб бора-

веради». Шунинг учун ҳам шоир «мажоз ичра кудуратлар етишган» кўнглига «ҳақиқат жомининг базмидин сафо» етказишни сўраб, Яратганга илтижо қилади:

Ҳазрат Навоий фикрича, ишқ уч турли бўлади. «Маҳбуб ул-қулбда»да зикр этилишича, биринчиси — оддий авом ишқи бўлиб, халқ орасида машҳур ва кенг тарқалгандир. Бу ишқ жисмоний лаззат ва шахвоний нафс билан чегараланиб, олий мартабаси шаръий никоҳдир. Иккинчиси — алоҳида фазилат эгаларига хос. Бу ишқ соҳиблари пок кўзни пок ният билан пок юзга соладилар ва пок кўнгилу пок юз шавқи-завқи билан беқарор бўлади. Пок ошиқ бу пок юз воситасида ҳақиқий маҳбуб жамолидан баҳра олади. Учинчиси — сиддиқлар, ҳақгўйлар ишқи бўлиб, улар Ҳақ таоло жамолини очик кўриш умиди билан яшайди. Уларнинг Ҳақни кўз билан мушоҳада қилиш умидлари ҳатто ўзни унутиш даражасига этади. Агар ҳодисалар бўрони осмон гулшанининг бир қаватини учуриб кетса — улар беҳабар ва агар юлдузлар гул баргини ҳар томонга совурса, буларга таъсир қилмайди.

Алишер Навоий иккинчи тур ишқни баён қилганда Амир Хусрав Деҳлавий, Шайх Ироқий, Хожа Ҳофиз Шерозий, Абдурахмон Жомий каби улуғлар номларини санаб, уларни «ишқ аҳлининг покбозлари, шавқ-завқ аҳлининг назм би-тувчи ва афсонага пардоз берувчилари» деб атайди. Абдурахмон Жомий номини тилга олиб, «Яна ул ҳазратнинг муҳаббат қадахидан юк-юрум ичиб, тўғри йўл кўрсатишидан фонийсифат бўлган, дард ва ишқни туркий тилда ҳарорат билан ифодалаб, турклар ўртасида ўз ижоди билан ҳаяжон ва сортлар орасида офат кўзғотган кимса ҳам бор», дея ўзини ҳам шу сафга қўшади.

Бизнингча, ушбу муборак номлар қаторига XIX асрдаги аждодларимиздан бирортасини қўшиш зарурати туғилса, бунга энг муносиби Муҳаммадризо Огаҳий бўлиши шубҳасиздир.

*Эди ишиқингга жонлар мубтало
ул чоғдаким, эрди На тан,
на танда бош, на бошида юз
на юзда лаб пайдо.*

Ислом ақоидида «Алмийсоқ» деган тушунча мавжуд. Ман-баларда зикр қилинишича, Алмийсоқ деганда Тангри таоло олам ва Одамдан бурун ер юзига то киёматгача келадиган жами инсонларнинг рухларини яратгани тушунилади. Ҳақ таоло минг бир пардасидан фақат биттасинигина кўтариб жамоли жилвасини зоҳир этганда, рухлар барчаси беҳуш бўлиб йиқилган. Тасаввуф аҳлининг қарашича, Оллоҳ таолонинг ишқи инсон кўнглида ана шу кундан пайдо бўлган.

Юқори-даги байтда худди шунга ишора бор.

Парвардигорнинг хусни олам гўзаллигида зуҳур этади. Яралмишларнинг гўзаллиги, мукамаллиги уларнинг Яратгучи хусни бемисолига кўзгу экани билан изоҳланади. Бу кўзгу, яъни оламда бировга «гул масаллик орази гулгун» берилган бўлса, бировда унинг ишқидан «юз шўру шааб пайдо». Танг-ри таолонинг ҳеч бир ўхшаши, тенги йўқ. У ўзининг бемисол кудратини намоиш этиш ва бандаларнинг бунини тафаккур қилиши учун бировга сарвдек чиройли қомат, бировга эса кумридек ишқ титроғини берди. Шоир «Халойиқ хилқа-ти бир-бирига яқсар зарурийдур, Эмасдур кудратингдан жум-ла ашё бесабаб пайдо», деб ҳисоблайди. Бинобарин, яралмишларнинг ҳеч бири алоҳида ҳолда мавжуд бўлолмайди. Бир-бирини тақозо этади, бир-бирига зарурат сезади. Масалан, Тангри таоло кеча ва кундузни яратди, Куёшу ойни, булут ва шамолни, еру фалакларни бино қилди. Улардан бирорта-сисиз ҳаётни тасаввур этиб бўлмайди. Шундан ҳам кўриниб турибдики, жумла ашённинг пайдолиги бесабаб эмас. Бунда мукамал қонуният мавжуд.

Оламни кунсиз фақат тун ҳолатида ёки аксинча тасаввур этиш маҳол. Кун ва тун ҳам инсонга берилган улуғ неъматлардан. Инсон кундузи тириклик ғами билан юрса, тунда ором олади. Огаҳий ана шу улуғ неъматларни зикр этиб, улар-нинг инсонга нечоғлик манфаатли эканини таъкидламоқца.

Инсон зотики бор, эзгу орзулар, мақсадлар билан яшай-ди. Бу мақсадларига етказишни сўраб, оламларнинг тарбия-чисига илтижо қилади. Одам болалари мурод-манзилига восил бўлиши мумкин. Фақат бунинг учун сидку ихлос билан, астойдил ҳаракат қилмоғи зарур. Огаҳийнинг мақсади — ишқ сиридан огоҳ бўлмоқ. Тахаллуси ҳам беҳуда танланмаган, унинг замирида шунга ишора бор:

*Не тонг огоҳ бўлса Огаҳий ишқинг
сириндим, Онга
беҳуда эрмас осмондин бу
лақаб пайдо.*

Тангри таоло инсонга беҳисоб неъматлар ато этиб, улар-нинг барчасини инсонга хизмат қилдирган. Савол туғилади: бундан қандай мақсад кўзда тутилган? Не бир ҳикмат яширин бунда? Огаҳий фикрича, бундан мурод — Ҳақ ишқи. Токи, инсон бу ашёларга эмас, балки уларни яратгучисига муҳаббат кўйсин. Ишқ сириндин огоҳ бўлсинки, ҳақиқий ишқ Ҳақ таолога бўлади.

Умрнинг ибтидоси бўлгани каби, интиҳоси ҳам мавжуд. У бошлангани каби, бир кун поёнига ҳам етади. Ўлим ҳаётнинг сўнгги манзили каби туюлади. Аслида эса, абадий ҳаёт-нинг бошланиши,

демакки, абадий манзилига ўтгучи кўприқдир. Инсонда дунёга келишда ҳам, кетишда ҳам ихтиёр йўқ. У бу ёруғ жаҳонга ўз хоҳишидан ташқари ҳолда келади ва ўзи истамаган ҳолда уни тарк этади. Шундай экан, шоирнинг таъкидлашича, инсон абадий манзилга қуруқ қўл билан, ҳеч қандай тайёргарликсиз бориши мақсадга мувофиқ эмас. Сафарга чиқаётган киши, албатта, йўл яроғини ҳозирлаши лозим. Огаҳий ёзганидек, «Йўл яроғин тутки, эмди етгуси навбат санго». Сафар тараддудини кўраётган инсон йўл яроғини ҳозирлабгина қолмай, ҳамроҳларни-да танлаши лозим. Бинобарин, ёмон ҳамроҳ билан саодат манзилига етиб бўлмайди. Шоир ғазалнинг мақтаида худди шу фикрни илгари суради:

*Огаҳий, жаҳд эт, мусоҳиб бўл ҳақиқат
аҳлига,
Тобакай бўлғай мажоз аҳли била улфат
санго.*

Шарқ фалсафасида бу дунё тунга қиёсланади. Тонг эса маҳшар куни маъносида ишлатилади. Куйидаги байтда ушбу фалсафанинг теран бадий инкишофини кўриш мумкин: «Ушбу окшом бу сифат айшу нашотимни кўруб, Ҳар нафас аъдо малул, аҳбоб хушдилдур манго». Шоир фикрича, бу дунёдаги айшу нашот дўстларни хурсанд ва душманларни ғамгин этади. Бу ҳолнинг окшомда (бу дунёга тун сифати берилган) содир бўлаётганига алоҳида урғу берилаётгани бежиз эмас. Лекин инсон фанийдаги ҳолига мағрур бўлиб, ғафлатда қолмаслиги керак. Чунки бу окшомнинг охири бор. Эртага муқаррар равишда тонг отади. Тонгда уятли бўлиб қолмаслик учун эса, тунни ғанимат билмоқ зарур:

*Мугтанам тут, Огаҳий, бу тунниким,
маълум эмас,
Тонгла даври чархдин не ҳол
восилдур манго.*

Умуман, Огаҳий шеърятини мисолида ҳам кўриниб туриб-дики, Шарқ поэзияси инсонни ўз ҳолидан огоҳ бўлишга, моҳиятни англашга, умр аталмиш улуғ неъматни беҳуда сарф этмасликка даъват этади. Муборак ҳадисда «Кимки ўзини, ўз моҳиятини англаса, яратган Парвардигорини англайди», дейилиши бежиз эмас. Зеро ўзини ва шу орқали Парвардигорини англаш — инсон камолотининг бош шартини. Огаҳий ижодий мероси, жумладан, лирик шеърлари ҳам шу улуғ мақсадга хизмат қилади. Бу адабий хазинанинг абадийга дахлдорлиги сабаби шунда.

Комил инсон ким?

Шарқ фалсафасида ва унга асосланган бадиий адабиётда комилликнинг асосий шарти сифатида илм-маърифатга юксак эътибор билан қаралади. Илм-маърифат тараққийга хизмат қилса, унинг зидди бўлган жаҳолат жамият таназзулига омилдир. Ҳар бир инсон ўзи яшаётган жамият тараққийси учун масъул. Шундай экан, камолотга интилиш ҳам фарз, ҳам қарзидир.

Муборак ҳадислардан бирида «Кимки бу дунё роҳатини кўзласа, тижорат билан шуғуллансин. Мақсади охират саодати бўлса, ибодат қилсин. Агар икки дунё саодатини орзу этса, илм ўргансин», дея зикр этилади. Зеро, инсон ҳаётини илму маърифатсиз тасаввур этиш қийин. Улуғ аждодлари-мизнинг илму маърифатга тарғиб қилиши сабаби шу. Огаҳий шеъриятида ҳам ушбу мавзу етакчи ўрин тутати «Илм андоғ ганжи нофиъдур бани Одамғаким, / Кимда ул бўлса, ики олам бўлур обод анго». Ушбу байтни мазкур ҳадиснинг шеърий шарҳи дейиш мумкин.

Хўш, бунинг акси бўлса-чи? Инсон илмсиз, жаҳолатда яшагга маҳкум этилса-чи? Бундай инсонни қандай оқибат кутади? Шоирнинг хулосаси мана бундай: «касби илм этмай, маҳзи жаҳл ила» қолган киши «икки олам обрўси»ни барбод этади.

*Олим улдурким, шариатдин тажовуз
қилмаса,
Гар тажовуз қилса, билгил, пешадур
илҳод анго.*

Огаҳий фикрича, олимлик даъвосидаги ҳар бир киши ша-риятга, яъни, Парвардигорнинг ҳукмларига итоат этмоғи, бўйсунмоғи лозим. Дунёда қилган ҳар бир амали учун муқаррар равишда жавоб беришни бир нафас ҳам эсидан чиқар-маслиги керак. Акс ҳолда, у нафсининг қулига айланади. Илҳод — йўлдан адашиш, йўлсизлик маъноларини англатади. Мулҳид — илҳодга мубтало бўлган кимсадирки, у гарчи олим бўлса-да, илмидан жамиятга ҳеч қандай наф етмайди. Миллатимиз фахри ҳазрат Навоий ана шундай ҳолдан огоҳлантириб, кимки илмни «воситаи жоҳ» этса, яъни ўзининг тор манфаатига қурбон қилса, «ўзинию халқини гумроҳ этиши»ни алоҳида таъкидлагани бежиз эмас. Демак, илм жамиятга фойда берсагина кадрли. Бунинг асосий шарти эса у иймонга асосланмоғи керак. Мутафаккир аждодларимиз, жумладан, Огаҳий меросида «илми нофиъ» — манфаатли илм тушунчаси кўп қўлланади. Илм манфаат келтирмаслиги, бефойда бўлиши ҳам мумкинми, деган табиий савол туғилади. Тарих-да бунга мисоллар жуда кўп. XX асрда яшаган икки

машҳур мустабид — Сталин ва Ҳитлер илмсиз эдими?! Ёхуд қирғин қуролларини кашф этганларни илмдан беҳабар дейиш мумкинми? Демак, илм инсоннинг, баъзан эса бутун бир жамиятнинг зиёнига хизмат қилиши ҳам мумкин... Огаҳий фикри-ча, ана шундай бефойда илм эгаси, билими осмонга етган бўлса ҳам, олим эмас.

Қаноат — комилликнинг бош шартларидан. Шу боис ҳам мумтоз шоирларимиз унга алоҳида эътибор билан қараган. Зеро, қаноат — бошдаги тож. Унинг акси бўлган тамагирлик эса инсоннинг асл табиатига ёт туйғу. Қаноат инсонни юксакликка кўтарса, тама уни забунликка маҳкум этади.

Огаҳий шеъриятида юксак фазилат — қаноатга тарғиб этувчи байтлар салмоқли ўрин тутати. Ушбу фикрга далил сифатида шу мавзудаги икки ғазални шарҳлашга уринамиз. Биринчи ғазал матлаида шоир «Кимнингки қалби қаноат нуридин баҳра олган бўлса, у иззат осмонида порлаган ойдир», яъни у ҳар доим ҳурматга, эҳтиромга лойиқ, деган фикрни илгари суради.

Мумтоз шеърятда бир фикрнинг аксини ифодалаш орқали унинг таъсирчанлигини ошириш усули кенг қўлланади. Қаноатнинг нечоғлиқ улуғ фазилат эканини таъкидлаш учун унинг зидди бўлган таманинг инсонийликка ёт эканига урғу берилиши сабаби шунда:

*Чун тамаъ бирла агар олдинг бировдин
бир дирам, То
қиёмат бегумон билгил онга
бўлдинг асир.*

Тама инсоннинг шаън-шавкати ерга уради. Уни энг муқаддас туйғу — эркидан мосуво қилади. Шунинг учун оқил ва маърифатли инсон жоҳиллар ҳузурида хор бўлишни, жоҳ учун, яъни бу дунё матоҳи учун ҳар нокасга таъзим қилишни ўзига эп кўрмайди.

Инсоннинг асл моҳиятини, нечоғли шараф соҳиби эканини англаган киши тамадан узоқ бўлади. Қаноатни ўзига пеша тутати. Халқимизда бойлик—ашёларнинг, мол-дунё-нинг кўплигида эмас, назарнинг тўқлигида, деган ҳикмат бор. Зеро, дунёга қул бўлган инсонда ор-номус бўлмайди. Ор-номуссиз кимса учун эса, қандай муқаддас туйғу йўқ, у нафсу ҳаво қули, хирсу ҳавас бандасидир. Бундай кимсага иймон, эътиқод, Ватан, миллат каби тушунчалар бегона. Унинг учун ягона туйғу — нафс.

Инсон ҳаёт экан, эҳтиёждан холи бўла олмайди. У ҳар доим нимагадир ҳожат сезиши табиий. Хўш, шундай экан, у ҳожатини қандай раво этсин? Кимнинг ҳузурига борсин? Кимга ёлворсин? Шоир эҳтиёжни бировдан тама қилмасдан қондиришнинг ягона ва

тўғри йўлини тавсия этади. Инсон ҳожатини «ул Соҳибкарам (яъни Оллоҳ таоло) даргоҳидан» истасин. Негаки, бой ҳам, фақир ҳам фақат Унга муҳтож.

Муҳтожларга ёрдам кўрсатиш, маҳзунларни шод этиш — миллатимизнинг хос хусусияти. Бечораҳол тама қилмаслиги керак. Бой эса ўзи билиб унга ёрдам кўрсатиши лозим. Шоир айтмоқчи, «Афтодаларга дастгирлик қилган, ёрдам берган икки оламда афтодалиқ кўрмайди».

Ҳақиқий роҳатни кўзлаган инсон мол-дунёга муҳаббат қўймайди. Бинобарин, ҳою ҳавас кўздан уйқуни, тандан роҳатни олади. Инсонни нафс гирдобига ташлайди, тубан бир даражага туширади, ҳақиқат йўлидан чалғитади. Бундай одам ўзига жаҳолатни касб этади, маърифатдан баҳра ололмайди.

Ҳақиқий эрк Ҳаққа қулликдан бошланади. У инсонни та-мадан ва бошқа ҳар қандай салбий иллатлардан поклайди, юксак мартабага кўтаради. Шу боис ҳам шоир қуйидаги ху-лосага келади: «Боглағил тоатга бел, майл этма эл таъзимиға, / Огаҳий, гар Ҳаққа эрсанг банди фармонпазир».

Огаҳий қаноатнинг инсон ҳаётида тутган ўрнини юксак баҳолайди. Шоир мазкур мавзуга қайта-қайта мурожаат қилишдан ташқари, «Қаноатдур» радибли махсус ғазал ҳам битгани бу фикрни тасдиқлайди. Мазкур ғазалнинг баъзи байтларини шарҳлаш масаланинг моҳиятига чуқурроқ кириш имконини беради.

*Бу маҳфил ичра роҳат нашъасидин
ком олур доим,
Кишиким, журъа нўши жоми
саршори қаноатдур.*

Шоир айтмоқчи, қаноатни ўзига пеша тутган инсоннинг қалби доим роҳатда. Чунки қаноат — тенгсиз хазина, дунёнинг ҳеч бир бойлигига алишиб бўлмайдиган бебаҳо неъмат. Ундан баҳрамандлик инсонни ана шу саодатга восил этади. Огаҳий таъбири билан айтганда, қаноат тоғини ўзига манзил қилган солиқнинг, Ҳақ йўлчисининг «мақсуд сар ҳадди»га етиши осон кечади. Зеро, қаноат иродани бақувват, иймонни мустаҳкам қилади, маънавиятни юксалтиради. Бунинг аксича, киши «безори қаноат» бўлса, «хоксору дарбадар»ликка юз тутади.

Синалган ҳақиқат шундан иборатки, қаноат ўз соҳибини иззат ва улуғлик мақомига кўтаради. Ундан бебаҳра кимса эса бориға шукр қилмайди, кеча-кундуз демай, ризқ излайди, нафс йўлида елиб-югуради, мол-дунё йиғади. Натижада, инсонлик шаънини унутади. Бундай кимсалар ҳоли қуйидаги ҳадиси қудсийда очиқ-равшан баён

этилган: «Эй, одам фарзанди, — дея хитоб қилади Тангри таоло, — мен тақсим қилган ризққа қаноат қилсанг, ҳузуримда сенга муносиб ажр-мукофот бор. Мабодо қаноат қилмасанг, ризқ излаб ваҳшийлар каби тўрт тарафга югурасан. Бироқ насибангдан ортиғига эриша олмайсан. Қаноат қилмаганинг учун эса, менинг ҳузуримда уялиб қоласан».

Қаноатни ўзига пеша билган инсон — аҳли жаҳон ичра азиз ва аржуманд. Кимки олам аҳлининг ҳурматиға сазовор эса, бу— қаноатнинг шарофатидан. Шоир таъбирича, ҳар кимгаки бу улуг неъмат ато этилса, кимнингки дилдори қаноат бўлса, билингки, у азизу комёбу комқордир. Қаноат соҳиби бунинг учун ҳар қанча шукрона қилса оз. Шоир яна бир шеърида бундай ёзади:

*Тангриға айлаб таваккул, қил
қаноатни шиор, Икки
оламда керак бўлса агар
иззат санго.*

Айниқса, бугунги кунда аждодларимизнинг шу тахлит доно ўғитларига, ҳикматларига кучли маънавий эҳтиёж сезилади. Уларга амал қилиш камолотнинг, икки олам иззатиға эришмоқнинг бош шартидир. Ана шундай фазилат соҳибларининг кўпайиши муқаррар равишда жамият тараққиётиға, мамлакат ва миллат равнақиға олиб келади.

Комилликнинг яна бир шarti — огоҳлик. Огаҳий лирикасида бу масалаға ҳам алоҳида эътибор берилганини кузатиш мумкин. Маълумки, шоир умрининг асосий қисми саройда ўтган. У хоразмшохларнинг устози, маслаҳатгўйи сифатида доимо улар ёнида бўлди. Уч хонлик ўртасидаги ноаҳиллик-дан изтироб чекди. Салтанатда адолат бўлиши учун қайғур-ди. Миллатни огоҳликка, илму маърифатга чақирди. «Мулку миллатға эмин ўлса агар огоҳлар, / Икки олам обрўйин ҳосил эткай шохлар» дея шох ёнида огоҳлар, яъни Ҳақнинг амри-дан, раиятнинг аҳволдан, элнинг турмуш тарзидан, ўзга давлатлару миллатлар ҳолидан хабардор фозиллар бўлса, мамлакатда адолат ҳукм суришини, жамият тараққийға юз буришини, бу эса салтанат соҳибининг икки дунёда азиз бўлишида бош омил эканини алоҳида таъкидлади.

Хўш, бунинг акси бўлса-чи? Шох ёнини «навдавлат жоҳил-лар» эгалласа-чи? Шоирнинг фикрича, бундай пастҳимматлар билан ҳеч қачон кўзланган муродға етиб бўлмайди. Подшоҳға «донойи олийжоҳлар» лозим. «Пастҳиммат жоҳили навдавлат ўлмас дастёр, / Шаҳға лозимдур неча донойи олийжоҳлар».

Чунки жоҳиллар ўздан ўзгани кўра олмайди. Фақат ўзим бўлсам

дейди. Ўз нафси йўлида ҳеч қандай разилликдан той-майди. Шу боис, «лойиқи давлат эмасдур ҳар назаркўтоҳ-лар». Назаркўтоҳ — калтабин, узокни кўра олмайдиган жо-ҳил кимса. Бундайларга давлат тегса, эл молини ўз нафси йўлида туя қилишдан ҳам тоймайди. Мол-дунё йиғади, айшу ишрат, кибру ҳаво каби иллатларни ҳаётий аъмолига айлан-тиради. Бу эса, охир-оқибатда мамлакатни инқирозга олиб келади, давлат сиёсатини издан чиқаради. Шоир назаркў-тоҳларнинг аҳволини қуйидагича баён этади:

*Сарф этиб эл молин ўз нафси учун қилғой
мудом,
Зийнати току, турнубу, суффау,
бингоҳлар.*

Яъни бундай кимсалар эл молини ўз нафсига қурбон қила-ди. Зебу ҳашамга зўр беради. Оёқлари ердан узилади. Мансаб-мартабани бойиш манбаига айлантиради.

Агар мамлакатда безорилик, беҳаёлик, гумроҳлик ривож топса, бундай юртдан хайр-барака кўтарилади. Нотинчлик, хусумат, хунрезлик бундай юртни ўз гирдобига олади. Бунинг сабабини эса шоир қуйидагича изоҳлайди: «Ғофил ўлса шаҳ агар мулку сипах аҳволидин, / Бошға иш тушканда суд этмас ғиғону оҳлар». Подшоҳ мулку сипоҳ аҳволидан ғофил бўлса, мамлакат таназзулга юз тутиши муқаррар. Яқин тарихимиз, уч хонлик ўртасидаги манфаатпарастлик низолари бунинг далили. Огаҳий фикрича, ҳукмдор мамлакат ва қўшин аҳволидан доимо огоҳ бўлмоғи лозим.

Ғазал оптимистик руҳ, кўтаринки кайфият билан ниҳояланган. Бироқ мактадаги «шаҳи огоҳ», «онга аркони давлат-дур ҳама огоҳлар» сингари жумлаларни айна ҳақиқат деб қабул қилиш тўғри эмас. Бунинг кўпроқ Огаҳийнинг истаги, орзуси сифатида баҳоланса, мақсадга мувофиқ бўлади:

*Огаҳий, қил шаҳи огоҳинг дуойи
давлатин, Ки, онга
аркони давлатдур ҳама
огоҳлар.*

Огоҳлик — инсоннинг ўзлигидан, аҳволи оламдан хабар-дорлиги. Худди ана шу фазилатдан мосуволик XVI асрдан бошлаб ғафлат ва жаҳолатга олиб келгани, оқибатда Ватан ва миллат таназзулга юз тутгани, юрт мустамлака гирдобига тушгани бугун ҳеч кимга сир эмас. Бироқ ўша мураккаб ва зиддиятли замонларда ҳам Огаҳий сингари огоҳ, дунёга очиқ кўз билан қарайдиган мутафаккирлар

бўлган. Улар асарлари-нинг мутолааси маърифатнинг асл моҳиятини англатиши, инсонга ким эканини, зиммасида қандай масъулият борлигини эслатиши билан бугун ҳам беқиёс аҳамиятга эга. Замон-лар ўтаверади. Бироқ, ишонч билан айтиш мумкинки, Муҳаммадризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий адабий мероси асрлар оша янги-янги авлодларнинг маънавий камолотига хизмат қилаверади.

(Тафаккур.-2009.-№2.)

Муҳаммадризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий
ҳаёти ва ижодига бағишланган «Огаҳий — тилсимли
дунё» мавзуидаги китоб кўргазмасини ташкил этиш
учун материаллар

Кўргазма қуйидаги бўлимлардан иборат бўлиши мумкин:

1. Қайтиш шоир эл ардоғига

Ушбу бўлимда Муҳаммадризо Эрнийезбек ўғли Огаҳийнинг тарихий асарлари ва у ҳақидаги китоблар жойлаштирилади.

2. Эзгулик мангу яшар

Бу бўлимда Муҳаммадризо Огаҳий ҳақида матбуотда эълон қилинган мақолалар жойлаштирилади.

3. Ажаб оҳангу наволар

Бу бўлимда Огаҳий қаламига мансуб ғазаллар, шеърлар жойлаштирилади.

Кутубхоналарда, ахборот-кутубхона ва
ахборот-ресурс марказларида ўтказиш мумкин
бўлган тадбирлар туркуми

Китпобхонлар конференцияси

1. «Авлодлар эҳтиромига сазовор аллома шоир».
2. «Огаҳий ва давлатчилик».
3. «Хоразмнинг забардаст тарихчиси» каби мавзуларда.

«Муҳаммадризо Огаҳий 200 ёшда», «Шоирнинг бой мероси» каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Савол-жавоб кечаси

1. «Муҳаммадризо Огаҳий ҳаёти ҳақида нималарни биласиз?»
2. «Муҳаммадризо Огаҳий таржималарини биласизми?»
3. «Огаҳий тарихчи олим ҳам бўлганми?»

«Эзгулик мангу яшар» каби мавзуида китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Мавзули кеча

1. «Огаҳий ва тасаввуф;
2. «Шоирнинг бой мероси;
3. «Навоий нафасидан бахрамандлик.

«Ҳар байтда ҳикмат эзгуликка даъват» мавзуидаги китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Учрашув кечаси

1. Муҳаммадризо Огаҳий ҳаёти ва ижодий мероси ҳақида ёзган олимлар билан;
 2. Огаҳий ҳақида шеър ва илмий мақолалар ёзган муаллифлар билан;
- «Уммонлардан бири», «Огаҳийнинг ўчмас излари» каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Оғзаки журнал

1. «Зоҳирӣ фарқ, ботинӣ қудрат»;
 2. «Навоӣдан баҳра олган Огаҳӣ».
- «Муҳаммадризо Огаҳӣ 200 ёшда» рукни остида картотека-таърих ва асарларининг алоҳида нашрлари, у ҳақидаги материаллар билан картотекани бойитиб бориш.
- «Муҳаммадризо Огаҳӣ 200 ёшда» номли мавзули папкалар ташкил этиш.

«Шоирлик саодати» тематик-бадиӣ кечанинг намунавӣ сценарийси

1-бошловчи: Ассалому алайкум, кечамизга ташриф буюрган азиз меҳмонлар!

2-бошловчи: Ассалому алайкум, даврамиз иштирокчилари, узок

ва яқиндан ташриф буюрган азиз китобхонлар, кечамизга хуш келибсиз!

1-бошловчи: Азиз меҳмонлар! «Шоирлик саодати» деб номланган Муҳаммадризо Огаҳӣ таваллудига бағишланган бадиӣ кечани очик деб эълон қиламиз. Сизларнинг эътиборингизга Огаҳӣ ҳақидаги бир лавҳани эътиборингизга ҳаво-ла этамиз.

2-бошловчи: Биз Огаҳӣнинг таржимаи ҳоли билан танишар эканмиз, унинг 1809 йилда Хива шаҳри яқинидаги Қиёт қишлоғида туғилгани, у тоғаси Шермуҳаммад Мунис қўлида ўсиб, таълим олиб савод чиқаргани, шунингдек, мадрасада таҳсил олганига гувоҳ бўлдик.

1-бошловчи: Муҳаммадризо отаси Эрнӣёзбек вафотидан сўнг оила бошлиғи бўлиб қолди. Шу туфайли у деҳқончилик билан шуғулланиди, сўнг ҳарбий хизматда бўлди. Хонликда мироблик вазифасини адо этиб келаётган шоир Мунис 1829 йилда вафот этгач, унинг ўрнига Огаҳӣ мироб этиб тайинланди. Огаҳӣ ана шундай хизмат ишлари билан банд бўлган ҳолда, илмӣ-ижодӣ ишини ҳам давом эттириб Алишер Навоӣ, Ғузулий, Бедил каби Шарқ халқлари классиклари меросини чуқур ўрганганди.

2-бошловчи: Шу ерда мунозарамизни мухтасар қилсак-да, сўз навбатини адабиётшунос олим, га берсак. Улар Огаҳӣнинг ижоди ҳақида гапириб берсалар.

Адабиётшуноснинг чиқиши.

1-бошловчи: Ташаккур. Мана Огаҳӣнинг ижоди ҳақида ҳам кўплаб маълумотларга эга бўлдик.

2-бошловчи: Огаҳӣ ижодӣ мероси шеърят ва бадиӣ таржима соҳасидаги ажойиб асарлар билан бир қаторда Ўрта Осиё халқлари тарихига доир катта маҳорат билан ёзилган китоблар етакчи ўринни эгаллайди. Унинг ғазаллари, мухаммаслари, мусаддаслари, рубоӣлари, туюқлари, маснавийлари ўзининг ҳаётӣлиги, мусиқӣлиги, ниҳоятда самимӣлиги билан ўқувчини мафтун этади.

1-бошловчи: Унинг шеърларида она-юрт табиати, баҳор ғўзаллиги, жўшқин севги-муҳаббат, чин инсонӣ фазилатлар, ҳаёт шодликларидан қувониш ва турмуш ташвишларидан шикоят қилиш, умуман, одам ва олам, кишиларнинг маънавий дунёси, меҳри ва қаҳри яққол тасвирланган.

2-бошловчи: Унинг бир қатор шеър ва ғазалларини эли-мизнинг суюкли санъаткорлари қўшиқ қилиб қуйлаб келмоқдалар. Уларнинг орасида хушовоз хонанда ҳам бор.

Келинлар улар ижросида «Огаҳӣ ғазалидан» тингласак.

Хонанданинг ижроси.

1-бошловчи: «Огаҳий» тахаллуси билан ғазаллар битар экан, уларда инсоний кечинмаларни куйлаш баробарида одамга катта қудрат ва улуғворлик бағишловчи туйғуларни тараннум этган. У XIX асрнинг биринчи ярмидан бошлаб вафотига қадар бешта мукамал тарихий асар яратди.

2-бошловчи: Булар, «Риёз уд-давла», «Зубдат ут-таворих», «Жомеул-воқеоти султоний», «Гулшани давлат», «Шоҳиди иқбол» каби асарлардир. Мазкур асарларда Хива хонлиги ҳудудида яшаган ўзбек, туркман, қорақалпоқ, қozoқ халқлари-нинг ижтимоий ҳаёти, Хива хонлигининг Бухоро, Қўқон хонликлари, Эрон, Ҳиндистон, Афғонистон билан бўлган муносабатларини, ўзаро урушларни, Россия билан бўлган савдо алоқаларини, хон ва беклар жабр-зулмига қарши кўта-рилган халқ қўзғолонларини, халқларнинг урф-одатларини кенг миқёсда ёритилган.

1-бошловчи: Огаҳий тарихий ҳодисаларни, халқ бошида-ги оғир мусибатларни, халқ қўзғолонлари моҳиятини улуғ муаррих сифатида китобхон кўзи ўнгида яққол гавдалантириб берган.

2-бошловчи: Келинлар, эндиги сўз навбатини журналистга берсак. Улар Огаҳийнинг саводли мироблардан бўлган-лиги, ҳар бир канал ва сув чиқариш иншоотларини аниқ лойиҳалар асосида қурдирганлиги ва уни асарларида ҳам баён қилганлиги ҳақида батафсил гапириб берсалар.

Журналистнинг чиқиши.

1-бошловчи:

*Етиб васлингга бўлди барча олам шод, мен қолдим, Даме
бўлмай фироқинг бандидин озод, мен қолдим. Топиб ширин
сўзингдин муддаилар ком ила роҳат, Қўриб кофир кўзингдин
зулм ила бедод, мен қолдим.*

Қандай гўзал мисралар, шундай эмасми?!

2-бошловчи: Ҳа. Огаҳий ижодининг катта қисмини ишқ-муҳаббатга бағишланган лирика ташкил этади. Бу борада Ога-ҳий, шубҳасиз, Навоий мактабининг энг истеъдодли шогирдларидан бири сифатида кўринади. У Навоийнинг ҳаёт-бахш, инсон туйғуларини гўзал ифодалаган ғазалларига ўхшатиб асарлар ёзади. Ишқ-муҳаббатга оид ғазалларида ҳам, албатта, ҳаёт, киши фазилати, нуқсонни тўғрисида фикр айтилади. Буни юқоридаги мисралар ҳам тасдиқлайди.

1-бошловчи: Эндиги сўз навбатини талабаларга берамиз. Улар бизларга Огаҳийнинг бой меросидан намуналар айтиб берадилар.

Талабаларнинг чиқиши.

2-бошловчи: Огаҳий, адабий ва тарихий асарлар яратиш билан бир қаторда, шарқ халқлари адабиёти ва тарихининг қимматли намуналарини ўзбек тилига таржима қилди. Жумладан, Саъдий Шерозийнинг «Гулистон», Абдурахмон Жомийнинг «Юсуф ва Зулайхо», «Баҳористон», Ҳилолийнинг «Шоҳ ва Гадо», Низомий Ганжавийнинг «Ҳафт пайкар» асари, шунингдек, фал-сафий, ахлоқий-таълимий характерга эга бўлган «Қобуснома», «Зубдат ул-хикоят», «Мифтоҳ ут-толибин», «Ахлоқи Муҳсиний» каби асарларини ўзбек тилига таржима қилди. Умуман, Огаҳийнинг бадиий ва тарихий таржима асарлари йигирмага яқин. Бу фактлар Огаҳийнинг таржима адабиёти тараққиётига ҳам муҳим ҳисса қўшган ижодкор эканини кўрсатиб туради.

1-бошловчи: Огаҳийнинг бу бебаҳо мероси бугун миллати-миз бойлигига айланди. Ва ҳар бир зиёли томонидан севиб ўқилмоқда. Қалбларга муҳаббат уруғини экмोकда. Муҳаббат урғидан унажак ниҳоллар эса, шубҳасиз, яна неча юз йиллар давомида миллий маънавий юксалишга хизмат қилаверади.

2-бошловчи: Кечамизнинг мухтарам меҳмонлари, мана бугунги тадбиримиз ҳам ўз ниҳоясига етди. Сизлар билан кейинги тадбирларда учрашгунча хайрлашиб қоламиз.

1-бошловчи: Хайр.Соғ-омон бўлинглар.

Адабиётлар

Абдуллаев Ҳ., Аҳмедова Г. Огаҳийнинг адабий сабоклари // Тил ва адабиёт таълими.-2008.-№12.-Б.21-22

Абдулҳаким Матназар. Зоҳирий факр, ботиний кудрат: [Огаҳийхонлик] // Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2004.-24 дек.

Абдулҳаким Матназар. Навоийдан баҳра олган Огаҳий // Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-1999.-17 дек.

Аваз Комил. Огоҳиёна огоҳлик: [Сиймолар. Халқимизнинг миллий маданияти, маънавияти ва маърифатли тараққиё-тига улкан ҳисса қўшган атоқли шоир, моҳир таржимон, тарихнавис олим, давлат ва сиёсат арбоби Муҳаммадризо Эрнийезбек ўғли Огаҳийнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида] // Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2007.-30 нояб.

Аҳмедов А. Ўлмас излар: [Муҳаммадризо Огаҳийнинг ҳаёти ва ижодий мероси ҳақида] // Кишлоқ ҳаёти.-2006.-17 янв.

Аҳмедова Г. Огаҳий сўз ва шеър қадри ҳақида // Илм сарчашмалари.-2007.-№3.-Б.59-60.

Аҳмедова Г. Шеър Огаҳий талқинида: [Муҳаммадризо Огаҳий (1809-1874) лирикаси ҳақида] // Тил ва адабиёт таълими.-2008.-№4.-Б.50—52.

Дехқонов Ш. Огаҳий эккан тут: [Шоир, тарихчи, таниқли давлат ва жамоат арбоби Муҳаммадризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий (1809-1874) ҳақида] // Холис.-2007.-31 май.-Б.7.

Исмоилов И. Огаҳийнинг «Жомеъ ул воқеоти султоний» асарида қайтариш санъати // Илм сарчашмалари.-2007.-№1.-Б.65-67.

Исмоилов И. Огаҳийнинг форсий шеърларида кўз тимсоли // Ўзбек тили ва адабиёти.-2008.-№2.-Б.49-51.

Йўлдошев Р. Огаҳий поэзиясида антонимлар: [Қарама-қарши маъноли сўзларнинг мавзу гуруҳлари, тузилишига кўра антонимларнинг турлари таҳлили ҳақида] // Илм сарчашмалари.-2005.-№1.-Б.52-55.

Йўлдошев Р. Огаҳий поэзиясида мусиқага оид сўзлар // Илм сарчашмалари.-2007.-№2.-Б.67-71.

Мансуров Б. Шоирга бағишланган уч китоб: [Атоқли шоир, тарихнавис, таржимон] номли Огаҳий ҳақидаги маълумотлар жамланган китоб нашри ҳақида] // Халқ сўзи.-1999.-12 окт.

Матёкубова П. Авлодлар эҳтиромига сазовор аллома шоир: [Муҳаммадризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий ҳақида] // Тил ва адабиёт

таълими.-2009.-№3.-Б.64-75.

Маткаримова С, Маткаримова Н. Хива хонлигида ижти-мой-иктисодий ва этномаданий муносабатлар жараёнини ўрганишда Огаҳий асарлари тарихий манба сифатида (XIX асрнинг биринчи ва иккинчи ярми) // Илм сарчашмалари. -2009.-№2.-Б.36—38.

Нурбой Абдулҳаким. Огаҳийнинг огоҳлик сири // Тафаккур.-2009.-№2.-Б.58—59.

Отамуродова А., Абдурахимов О. «Айшу ишрат эмастур бу олам...»? [Эл-юрт таниган серқирра ижодкор, жафокаш Огаҳийнинг таваллуд топган қишлоғи, унинг ота-боболари миробларининг шажараси, унинг ёзган асарлари, ҳаёти ҳақида] // Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2009.-21 авг.

Сабурова С. Ўлмас мерос...: [Шоир, таржимон ва олим Муҳаммадризо Огаҳий ҳаёти ва ижоди ҳақида] // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари.-2004.-№1.-Б.125-127.

Салаева Н, Рўзимова Ф. Муҳаммадризо Огаҳий - тилсим-ли дунё: [Огаҳий шеърляри ва уни ўрганиш] // Халқ таълими.-2008.-№1.-Б.110-113.

Султонова Қ. Огаҳий таърифидаги тарих // Маърифат.-2003.-3 сент.

Султонова Қ. Огаҳийнинг «Гулшани давлат» асари ҳақида // Тил ва адабиёт таълими.-2009.-№3.-Б.76-77.

Шодмонов Н. «Шоҳидул-иқбол»да Хива хонлигининг Бу-хоро амирлиги билан муносабатлари тасвири: [Огаҳийнинг асари] // Илм сарчашмалари.-2008.-№3.-Б.40-42.

Юсупов Ж. Огаҳий даҳоси: [Муҳаммадризо Огаҳий асарлари бўйича олиб борилиши зарур бўлган тадқиқотлар ҳақида] // Илм сарчашмалари.-2005.-№4.-Б.44-46.

Ҳасан Рўзбой. Уммонлардан бири: [Моҳир таржимон, тарихнавис, шоир, ҳазрат Огаҳийнинг таҳаллуси, ижоди, таржимонлиги, ҳаёти ҳақида шоир Абдулҳаким Матназар билан суҳбат] /Суҳбатдош Ҳасан Рўзбой // Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2009.-3 июль.

ФАСОҲАТДА НОДИР АЛЛОМА

Мухаррир *Шукур Курбон*
Техник муҳаррир *А. Жўрабоев*
Саҳифаловчи *А. Жўраев*

Босишга рухсат этилди 24.12. 2009 йил. Бичими 60x84.V

Ҳажми 2 ш.б.т

¹⁶ ^

Адади 300 нусха. Буюртма № 214.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
босмахонасида чоп этилди. Тошкент шаҳри, Истиқтол кўчаси 33
уй.